



Ўзбекистон Республикаси  
ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазирлиги



Бирлашган  
Миллатлар Ташкилоти  
Тараққиёт Дастури

# Электрон ҳукумат бўйича эслатма

Ўзбекистон Республикасида электрон  
ҳукуматни ривожлантириш бўйича давлат  
органларининг асосий вазифалари



# Электрон ҳукумат бўйича эслатма

Ўзбекистон Республикасида электрон ҳукуматни  
ривожлантириш бўйича давлат органларининг  
асосий вазифалари

1.0-нашр  
2016 йил 10 июнь

УЎК 351:004  
КБК 67.401  
А 87

Атаджанов Д.

**Электрон ҳукумат бўйича эслатма: Ўзбекистон Республикасида электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича давлат органларининг асосий вазифалари**/Б. А. Авлиекулов, Д. Ю. Атаджанов, Р. Р. Закиров - Тошкент: Baktria press, 2016. - 32 б.

Мазкур ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури (БМТТД) билан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳамкорлигидаги «Электрон ҳукуматни ривожлантириш орқали давлат хизматлари сифатини ошириш» лойиҳаси доирасида «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш Марказининг 2016 йил 18 январдаги “2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастурини амалга ошириш бўйича Республика Комиссиясининг йиғилишига зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш тўғрисидаги” 2-сонли баёни қарорини ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилди.

БМТТД аҳоли турмуш даражасини оширишга кўмаклашиш мақсадида мамлакатларга билим, илғор тажриба манбалари ва ресурслардан фойдаланиш имкониятларини яратишга қаратилган ислохотларни қўллаб-қувватловчи БМТни ривожлантириш глобал тармоғи ҳисобланади. Биз 166 та мамлакатларда фаолият олиб бориб, улар билан глобал ва миллий ривожланишдаги муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган ўз қарорларини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қиламиз. Мамлакатнинг миллий имкониятларини ривожлантиришда БМТТД ва унинг кенг доирадаги ҳамкорлари тажрибасидан фойдаланилади.

Ушбу нашрдан олинган қисқа маълумотлардан ўзгартирилмаган ҳолда, дастлабки розиликсиз, лекин манбани кўрсатиш шарти билан фойдаланиш мумкин.

Ушбу эслатмада билдирилган фикрлар ҳужжат муаллифларига тегишли бўлиб, БМТТДнинг расмий нуқтаи назарини акс эттирмаслиги мумкин.

Муаллифлар: Б. А. Авлиекулов, Д. Ю. Атаджанов, Р. Р. Закиров

© Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури, 2016

© Baktria press, 2016

ISBN 978-9943-4569-9-0

# Мундарижа

Қисқартмалар рўйхати.....	4
1. Кириш .....	5
2. Электрон ҳукуматнинг асосий тушунчалари ва принциплари.....	6
3. Электрон ҳукумат архитектураси.....	8
4. Электрон ҳукумат соҳасида давлат бошқаруви .....	9
5. Электрон давлат хизматлари .....	11
6. Ягона интерактив давлат хизматлари портали .....	13
7. Давлат хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш.....	14
8. Давлат хизматлари, шакллари ва бланклари ягона реестри.....	16
9. Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими.....	17
10. Электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базаси .....	18
11. Электрон ҳукумат фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона тизими.....	19
12. Давлат органларининг ахборот ресурслари ва тизимлари.....	20
13. АКТ лойиҳаларни амалга оширишга давлат буюртмаси.....	22
14. Очиқ маълумотлар .....	23
15. Электрон рақамли имзо.....	24
16. «Ягона дарча» Маркази ва тадбиркорларга хизматлар.....	25
17. АКТни ривожлантириш ҳолатини рейтингли баҳолаш.....	27
Илова. Электрон ҳукумат соҳасида асосий НХҲлар рўйхати .....	28

## Қисқартмалар рўйхати

**АКТ** – ахборот-коммуникация технологиялари;

**АР** – ахборот ресурси;

**АТ** – ахборот тизими;

**АТКРВ** – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги;

**АТМ** – ахборот тизимлари мажмуаси;

**ВМҚ** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори;

**ДАР** – давлат ахборот ресурси;

**ДАТ** – давлат органи ахборот тизими;

**ДБ** – давлат буюртмаси;

**ДПМ** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази;

**ДСҚ** – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси;

**ДСтҚ** – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси;

**ДХЯР** – Давлат хизматлари, шакллари ва бланкалари ягона реестри;

**ЖШ ШИР** – жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

**ИИВ** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

**ИИП** – «ЭХ» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси;

**ИЭС** – идоралараро электрон сўров;

**ИЭХ** – идоралараро электрон ҳамкорлик;

**ИЭХТ** – идоралараро электрон ҳамкорлик тизими;

**ИЯТ** – «ЭХ» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими;

**МАКТ** – Миллий ахборот-коммуникация тизими;

**МБ** – маълумотлар базаси;

**МИБМ** – маълумотларга ишлов бериш маркази;

**ММБ** – марказий маълумотлар базаси;

**НХҲ** – норматив-ҳуқуқий ҳужжат;

**ОАВ** – оммавий ахборот воситалари;

**ОМ** – очиқ маълумотлар;

**ПҚ** – Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори;

**ПФ** – Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони;

**РК** – 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси;

**СТИР** – солиқ тўловчининг идентификация рақами;

**ТИВ** – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги;

**ЭДХ** – электрон давлат хизмати;

**ЭДХКТТ** – электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш;

**ЭРИ** – электрон рақамли имзо.

**ЭХ** – электрон ҳуқумат;

**ЭХА** – электрон ҳужжат айланиши;

**ЭХР** – электрон ҳужжатлар репозиторийси;

**ЭХТРМ** – «Электрон ҳуқумат» тизимини ривожлантириш маркази;

**ЯДМ** – «Ягона дарча» маркази;

**ЯИДХП** – Ягона интерактив давлат хизматлари портали;

## 1. Кириш

Ушбу эслатма давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига (кейинги ўринларда - давлат органлари) «Электрон ҳукумат» тизимини яратиш доирасида улар фаолиятида АКТни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни бажаришда услубий кўмак кўрсатишга мўлжалланган.

Мазкур ҳужжатда ахборотлаштириш соҳасида қабул қилинган асосий НХҲ талаблари тушунтирилган бўлиб, улар электрон ҳукуматни яратиш ҳамда давлат бошқарувида АКТни жорий этиш мавзулари бўйича бўлимларга бўлинган. Хусусан, эслатмада электрон ҳукуматнинг асосий тушунча ва тамойиллари, ЭҲ архитектурасининг муҳим элементлари ва ушбу соҳадаги давлат бошқаруви тизими ёритилган. Ҳужжатда давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш, давлат хизматларини кўрсатиш тартибларини такомиллаштириш, ахборот ресурслари ва тизимларини яратиш бўйича асосий талаблар, АКТ лойиҳаларини давлат буюртмаси рўйхатида киритиш тартиби кўрсатиб ўтилган. Эслатманинг алоҳида бўлимлари очиқ маълумотлар, электрон имзо ва «бир дарча» маркази тушунчаларини ёритишга бағишланган. Ниҳоят, ҳужжатда давлат органлари фаолиятида АКТни жорий этиш ҳолатини ҳар чоракда баҳоланиш тартиблари ва тизими ҳақида сўз боради.

Электрон ҳукумат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида 2015 йил 9-декабрда имзоланган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳисобланади. Мазкур қонун талабларини бажаришда, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига қўшимчалар киритиш ҳамда янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш кўзда тутилган. Шу сабабли, қонунчиликка киритиладиган ўзгартиришлар ушбу эслатманинг кейинги нашрларида акс эттириб борилади.

## 2. Электрон ҳукуматнинг асосий тушунчалари ва принциплари

**Электрон ҳукумат (ЭХ)** – давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими. ЭХ аънаввий ҳукуматнинг муқобил ёки аналог шакли ҳисобланмайди, балки рақамли технологиялар орқали унинг самарадорлигини ошириш учун янги усул ва воситаларни тақдим этган ҳолда тўлдиради.

Электрон ҳукуматни жорий этишдан кўзланган мақсадлар:

- Давлат хизматларини кўрсатиш тартибларини такомиллаштириш;
- Барча сайловчиларнинг мамлакат бошқаруви жараёнидаги иштирок даражасини ошириш;
- Аҳолининг ўзига ўзи хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш;
- Технологик билим ва фуқароларнинг касбий маҳоратларини ошириш;
- Географик жойлашув омилининг таъсирини камайтириш.

Амалда ЭХ шакллантириш давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш орқали уларнинг сифатини ошириш ҳамда аҳоли ва бизнес томонидан фойдаланиш имкониятини яратишдан иборат.

**Давлат хизмати** – ариза берувчиларнинг сўровларига кўра амалга ошириладиган, давлат органларининг вазифаларини бажариш бўйича улар томонидан кўрсатиладиган хизмат. Агар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат хизматлари кўрсатиш функциялари бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилган бўлса, улар ҳам давлат хизматини кўрсатишлари мумкин.

**Электрон давлат хизмати (ЭДХ)** – ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда кўрсатиладиган давлат хизмати. Масалан: корхоналар томонидан солиқ ва статистик ҳисоботларни Интернет орқали топшириш, паспорт олиш учун электрон ариза тақдим қилиш, давлат реестр ва архивларидан электрон маълумотномалар бериш ва ҳ.к.

Давлат хизматларининг аксарият қисми бир неча давлат органлари иштирокида амалга оширилиб, бунда давлат хизмати натижаси учун масъул бўлган давлат органининг бошқа унга бўйсунмайдиган давлат органлари билан идоралараро ҳамкорлик қилиши кўзда тутилади. Бу жараён ҳужжатларни бирхиллаштириш (унификация) ва давлат органлари ўртасида маълумотларни тезкор алмашиш, ягона идентификаторлардан фойдаланиш, ахборот тизимларини ўзаро бириктириш (интеграция) ва идоралараро алоқаларни мувофиқлаштириш орқали амалга оширилади.

**Идоралараро электрон ҳамкорлик (ИЭХ)** – давлат органлари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари воситасида маълумотлар алмашиш.

**Электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторлари** – ҳар бир жисмоний ва юридик шахсга, кадастр ва кўчмас мулк объектларига, географик ва бошқа объектларга бериладиган, уларни электрон ҳукуматда идентификациялаш имконини берувчи ноёб кодлар. Улар давлат органларига (ва уларнинг ахборот тизимларига) давлат хизматларини кўрсатишда, вазифаларини бажаришда ва идоралараро ҳамкорликда иштирок этувчи субъект (фуқаро ва ташкилотлар) ва объектларни (кўчмас мулк, автотранспорт ва ҳ.к) бехато идентификациялаш имкониятини беради. ЭХ ягона идентификаторлари сирасига жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ИИР) ва солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) киради. Кейинчалик, ушбу рўйхатга автотранспорт воситасининг рўйхат рақами, кўчмас мулк объекти кадастр рақами ва бошқа идентификаторлар ҳам киритилади.

ЭХ лойиҳаларининг самарали амалга оширилишида **идоралараро мутаносиблик** (интероперабельлик) муҳим аҳамият касб этади – давлат хизматларини кўрсатиш ёки бошқа давлат функцияларини бажаришда икки ёки ундан кўп давлат органлари (ва уларнинг ахборот тизимлари) томонидан самарали ўзаро ҳамкорлик қилиш қобилияти тушунилади. Интероперабельлик бир неча поғоналарга бўлинади: норматив-ҳуқуқий (норматив ҳужжатларнинг мослиги), ташкилий (тартиб-таомилларнинг мослиги), семантик (сақланаётган ва алмашинаётган маълумотлар бўйича бир хил тушунчага эга бўлиш) ва техник (маълумотлар алмашинуви стандартлари, форматлари ва протоколларининг мослиги).



## Электрон ҳукуматининг асосий принциплари


Принцип	Электрон давлат хизматлари (ЭДХ) кўрсатувчи давлат органларига талаблар
<b>Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ариза берувчига ЭДХ кўрсатиш тартиби тўғрисидаги маълумотларни очик ойдин тақдим этиш, жумладан давлат органи расмий веб-сайти орқали.</li> <li>• Ариза берувчи талабига кўра унинг сўровини кўриб чиқилиши ҳолати ва хизмат кўрсатиш натижаси тўғрисида тегишли ахборотни электрон шаклда тақдим этиш.</li> </ul>
<b>ЭДХларидан ариза берувчиларнинг тенг равишда фойдаланиши</b>	Давлат органлари барча ариза берувчиларнинг ЭДХларидан тенг равишда фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.
<b>«Бир дарча» орқали ЭДХ кўрсатиш</b>	Давлат органига ЭДХ кўрсатиш учун бошқа давлат органларида мавжуд бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиши талаб этилса, ЭДХ «бир дарча» принципи бўйича кўрсатилади, яъни хизматни кўрсатувчи давлат органи мазкур ҳужжатлар ва маълумотларни мустақил равишда, ариза берувчининг иштирокисиз идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш воситасида олади.
<b>Давлат органларининг ҳужжатларини бирхиллаштириш</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ЭДХ кўрсатиш чоғида, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш жараёнида фойдаланиладиган давлат органлари ҳужжатлари ЭДХ кўрсатиш доирасида бошқа давлат органлари томонидан сўралаётган ахборотнинг ушбу ҳужжатлардан чиқариб ташланиши ҳисобга олинган ҳолда ўзаро бирхиллаштирилиши керак.</li> <li>• Ҳужжатларни бирхиллаштириш бевосита давлат органлари томонидан электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли орган (АТКРВ) билан биргаликда амалга оширилади.</li> </ul>
<b>ЭХнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ЭДХ кўрсатиш чоғида, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш жараёнида электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланилади.</li> <li>• Электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базаларида, ЭДХ кўрсатувчи давлат органларининг ахборот тизимларида ва ахборот ресурсларида ахборотни сақлаш ҳамда унга ишлов бериш электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.</li> <li>• ЭХнинг ягона идентификаторлари рўйхати, уни шакллантириш, юритиш ва ундан фойдаланиш тартиби, шунингдек ариза берувчининг ўзи тақдим этган идентификаторга мувофиқлигини аниқлаш тартиби ВМ томонидан белгиланади</li> </ul>
<b>ЭДХ кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориш</b>	<p>ЭДХ кўрсатиш, шунингдек давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш куйидаги йўллар билан такомиллаштириб борилиши шарт:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• давлат органларининг ортқча маъмурий тартиб-таомилларини бартараф этиш, бирлаштириш ҳамда келишиб олинадиган вазифалари сонини камайтириш;</li> <li>• ариза берувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини қисқартириш;</li> <li>• идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни мақбуллаштириш;</li> <li>• электрон давлат хизматлари кўрсатиш мuddатларини қисқартириш.</li> </ul> <p>Давлат органлари ЭДХ кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши шарт.</p>
<b>Ахборот хавфсизлигини таъминлаш</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Давлат органлари ЭДХ кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаши шарт.</li> <li>• Давлат органлари шахсга доир маълумотлар, шунингдек давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар муҳофазаси қилинишини ва улардан рухсатсиз фойдаланишнинг олди олиншини таъминлаш юзасидан зарур ташкилий-техник чоралар кўради.</li> <li>• Давлат органларининг ахборот тизимларида ва ахборот ресурсларида сақланадиган шахсга доир маълумотлардан улар қайси ариза берувчига тааллуқли бўлса, ўша ариза берувчининг розилиги билан уларга ишлов бериш, уларни узатиш ва олиш учун фойдаланилади, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно.</li> </ul>

### 3. Электрон ҳукумат архитектураси

Электрон ҳукумат инфратузилмаси қуйидагилардан иборат:


- Марказий маълумотлар базалари;
- Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими;
- Давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари, уларнинг мажмуалари;
- Давлат органларининг расмий веб-сайтлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали;
- Маълумотларга ишлов бериш маркази ва идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи.

«Электрон ҳукумат» тизими архитектураси



## 4. Электрон ҳукумат соҳасида давлат бошқаруви

Электрон ҳукумат соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли орган (АТҚРВ) ва бошқа давлат органлари амалга оширади.



Ўзбекистон Республикаси **Вазирлар Маҳкамасининг** электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатлари<sup>1</sup>:

- ЭҲ соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлаш;
- ЭҲ соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;
- ЭҲнинг шакллантирилишини ва ишлашини унинг асосий принципларига мувофиқ таъминлаш;
- электрон давлат хизматларининг ягона реестрини юритиш тартибини белгилаш;
- идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимининг ишлаш тартибини белгилаш;
- ЭДХ кўрсатишда электрон давлат хизматлари кўрсатувчи бир нечта давлат органи иштирок этадиган бўлса, ўша электрон давлат хизматларининг регламентларини тасдиқлаш;
- ЭДХ кўрсатиш сифатини баҳолаш услубиётини, шунингдек ЭҲ лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларини тасдиқлаш.

2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастурини амалга ошириш бўйича **Республика комиссияси** вазифалари<sup>2</sup>:

- комплекс дастур ва тадбирларни амалга ошириш бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;
- давлат органлари раҳбарлари ва масъул ходимларининг «ЭҲ» тизимини амалга оширишга йўналтирилган дастур ва тадбирлар, маҳаллий АР ва МБ ни ривожлантириш бўйича шахсий ҳисоботларини тинглаш ва уларнинг жавобгарлиги масалаларини кўриб чиқиш;
- интерактив давлат хизматларини кўрсатиш, давлат органлари ва уларга бўйсунувчи ташкилотларнинг функционал ва операция жараёнлари, тартиб-таомиллари ва тузилмасини янада такомиллаштириш бўйича қарорлар қабул қилиш ва доимий мониторинг қилиш;
- АКТ соҳасида янги лойиҳаларни кўриб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича чоралар кўриш;
- Ўзбекистон Республикаси МАКТни ривожлантириш дастурлари ва асосий йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, унинг ривожланиш кўрсаткичларини аниқлаш;
- тендер ўтказиш жараёнлари, лойиҳа ва тендер ҳужжатларини экспертиза қилиш муддатларини қисқартириш, шунингдек комплекс дастурининг айрим лойиҳалари ўртасида маблағларни қайта тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилиш;

<sup>1</sup> «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 9.12.2015 й. ЎЗҚ-395-сон

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2013 йил 27 июндаги 1989-ПҚ-сонли Қарори

- бюджет ташкилотларини ахборотлаштириш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга, «ЭХ» тизимини ҳаётга тадбиқ этиш ва МАКТни ривожлантиришга йўналтирилган давлат ҳаражатларини тасдиқлаш ва мувофиқлаштириш.

#### АТҚРВ нинг ЭХ соҳасидаги ваколатлари:

- ЭХни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва ЭХ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини амалга оширади;
- ЭХ инфратузилмасининг марказий маълумотлар базаларига, идораларо электрон ҳамкорлик қилиш тизимига, ЯИДХП, Маълумотларга ишлов бериш марказига ва идораларо маълумотлар узатиш тармоғига тааллуқли қисмининг ишлаб туришини таъминлайди;
- ахборотни тўплаш, сақлаш, унга ишлов бериш, уни узатиш ва алмашиш бўйича стандартлар ҳамда техник талаблар асосида ЭХ техник асосини шакллантириш чора-тадбирларини кўради;
- кўрсатилаётган электрон давлат хизматлари ва идораларо электрон ҳамкорлик қилиш тартиб-таомилларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;
- электрон давлат хизматларининг регламентлари келишиб олинишини амалга оширади;
- Электрон давлат хизматларининг ягона реестрини шакллантиради ва юритади;
- ЭХ АТ ва АРларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади.

#### Давлат органларининг ЭХ соҳасидаги ваколатлари:

- ЭХ соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда, шу йўналишдаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
- ЭХ соҳасида АТ ва АРларининг, шунингдек ЭДХларининг жорий этилишини, ривожлантирилишини ҳамда интеграциялашувини таъминлайди;
- ўзларининг фаолият соҳасига мувофиқ ЭДХларининг регламентларини ишлаб чиқади ва ЭХ соҳасидаги ваколатли орган билан келишилган ҳолда уларни тасдиқлайди;
- ўзи кўрсатадиган ЭДХларини Электрон давлат хизматларининг ягона реестрида рўйхатдан ўтказилишини таъминлайди;
- ариза берувчиларнинг танловига кўра ЭДХни олиш имконини таъминлайди;
- ЭДХ кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратади, шу жумладан имконияти чекланган шахсларга зарур шарт-шароитлар яратади;
- ЭДХ кўрсатиш учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олган ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг узлуксиз ишлашини таъминлайди;
- АТ ва АР ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради;
- ЭХ соҳаси мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш чораларини кўради.

АТҚРВнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши **мажбурий** ҳисобланади<sup>1</sup>.

Давлат органлари раҳбарлари АКТни ривожлантириш бўйича комплекс дастурларнинг ўз вақтида ва тўла-тўқис амалга оширилиши, «электрон ҳукумат» хизматлари ва ахборот тизимлари жорий этилиши учун **шахсан жавобгар** бўладилар.

Иқтисодийёт тармоқлари ва соҳаларига АКТ ҳамда интерактив давлат хизматлари татбиқ этилиши даражаси, самарадорлиги ва сифатига **баҳо бериш натижалари** давлат органлари раҳбарларининг эгаллаб турган лавозимларига муносиб эканликларини кўриб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Замонавий АКТни жорий этиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган давлат органлари ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари **АТҚРВ билан келишилган** ҳолда лавозимга тайинланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги 4.02.2015й. ПФ-4702-сонли Фармони

## 5. Электрон давлат хизматлари

Давлат органларининг ЭХ соҳасида асосий вазифаси улар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларни электрон шаклга ўтказишдан иборат. Бир ёки бир нечта давлат хизматини тақдим этиш тартиботлари (ариза берувчидан сўровни қабул қилиш тартиботи, сўровни кўриб чиқиш ва уни қайта ишлаш тартиботлари, натижани сақлаш ва жавобни юбориш тартиботи) АКТ қўллаган ҳолда электрон шаклда амалга оширилганда давлат хизмати электрон ҳисобланади. Давлат органлари барча давлат хизматларини кўрсатиш тартиботларини электрон шаклга ўтказиш чораларини кўришлари керак.

Давлат хизмати		
	Асосий	Оралиқ
<i>Таърифи</i>	натижаси ариза берувчиларнинг ҳуқуқларини тан олиш, шакллантириш ёки тўхтатишга қаратилган	натижаси бошқа давлат хизмати олиш учун зарур бўлган
<i>Масалан</i>	лицензия, сертификат, бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш	давлат органларида сақланадиган маълумотлар асосида берилган маълумотномалар, кўчирмалар ва бошқа ҳужжатлар
<i>Давлат органи вазифаси</i>	хизматни кўрсатиш учун зарур бўлган ва бошқа давлат органларининг ихтиёрида бўлган маълумотларни идоралараро электрон ҳамкорлик орқали электрон шаклида олиш чораларини кўриш	ўз ихтиёрида сақланадиган ахборотни тузиш, уни электрон шаклга ўтказиш ва идоралараро электрон ҳамкорлик воситасида ундан фойдаланишни таъминлаш чораларини кўриш

**Пулли** давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари тўловни ҳисобга олиш ва хизматлардан фойдаланишнинг автоматлаштирилган тизимларини (биллинг тизимлари) яратиш, шунингдек тўлов тизимлари орқали онлайн-тўлов имкониятларини амалга ошириш чораларини кўришлари керак.

ЭДХ ахборот ва интерактив шаклида бўлиши мумкин:

- **Ахборот** давлат хизмати – ариза берувчиларнинг ахборотга эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, давлат органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш ва бошқача тарқатиш йўли билан кўрсатиладиган электрон давлат хизмати. Масалан: мавжуд иш жойлари ҳақида маълумот бериш, очиқ маълумотларни чоп этиш ва бошқалар.
- **Интерактив** давлат хизмати – ариза берувчига ариза берувчи ва электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органи ўртасида икки томонлама электрон ҳамкорлик йўли билан кўрсатиладиган электрон давлат хизмати. Масалан: «Ўз СТИР рақамингизни аниқланг», корхонанинг кичик ва ўрта бизнес субъектларига тегишлилигини текшириш, солиқ ва статистика бўйича электрон ҳисоботлар топшириш, танланган номни банд қилиш, ташқи савдо шартномаларига тегишли бўлган маълумотларни тақдим этиш ва ҳ.к. Интерактив давлат хизмати электрон ариза бериш, аризани кўриб чиқиш, ариза бўйича қарор қабул қилиш, қабул қилинган қарорни давлат органларининг ҳисобга олиш тизимларида акс эттириш, ариза берувчини кўрсатилган хизмат натижалари ҳақида хабардор қилишни кўзда тутди.

Интерактив давлат хизмати **транзакцияли** давлат хизмати шаклида амалга оширилиши мумкин, уни кўрсатишнинг барча тартиботлари ахборот тизимларидан фойдаланиб амалга оширилади.

Асосий ЭДХларига қуйидагилар киради: конун ҳужжатларига мувофиқ давлат органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштириладиган давлат органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот ва бошқа ахборот; жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш; раҳбар қабулига ёзилиш.

Ариза берувчиларнинг **ҳақиқийлигини таъминлаш** даражаси бўйича ЭДХ қуйидагиларга бўлинади:

- *паст* – шахсий маълумотлар тақдим этилишини талаб қилмайдиган хизматлар;
- *ўрта* – ҳақиқий шахсий маълумотлар тақдим этилишини талаб қиладиган хизматлар;
- *юқори* – уларни кўрсатиш учун сўровлар электрон рақамли имзодан фойдаланиб юбориладиган хизматлар.

Давлат органлари АТКРВ билан келишув бўйича ЭДХ кўрсатиш учун зарур бўлган ариза берувчиларнинг ҳақиқийлик даражасини белгилайди.

Давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш жараёни куйидаги **асосий босқичлардан** иборат:

1. Давлат органи хизматларидан амалда фойдаланиш кўрсаткичларини ўрганиш асосида (ички идоровий статистикани таҳлил қилиш, фойдаланувчилар ва давлат хизматчилари орасида сўровнома ва мулоқотлар ўтказиш орқали), энг кўп талаб этиладиган, электрон шаклга биринчи навбатда ўтказилиши лозим бўлган хизматлар рўйхатини тузиш.
2. Давлат хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш. Жумладан, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ортиқча тартиб-таомил, ҳужжат ва ҳаражатларни қисқартириш бўйича НХХ, низом, йўриқнома ва қоидаларга тегишли ўзгартиришлар киритиш.
3. Хизматларни электрон шаклда кўрсатиш учун фойдаланадиган ахборот тизимларини яратиш (ингилаш), ҳамда ЭДХларни ягона портал орқали кўрсатиш имкониятини яратиш учун давлат АТ ва АРларини ЭХ инфратузилмаси (ММБ, ИЯТ, ИИП, ЯИДХП) билан интеграциялаш.
4. ЭДХ регламентини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. ЭДХни ягона реестрда рўйхатдан ўтказиш.
5. ЭДХ дан фойдаланиш тартиби тўғрисида ахборотни веб-сайт ва ЯИДХПда эълон қилиш. Ариза берувчиларнинг олинган хизматлардан қониққанлик даражасини мониторинг қилиш.

Барча ЭДХ регламентлари ишлаб чиқиши шарт. **Электрон давлат хизматининг регламенти** – электрон давлат хизмати кўрсатиш тартиби ва унга қўйиладиган талабларни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат (қонун, ПҚ, ВМҚ ёки Адлия вазирлигида рўйхатга олинган идоровий буйруқ). Регламент ЭДХ кўрсатувчи давлат органи томонидан ишлаб чиқилади ва АТКРВ билан келишган ҳолда тасдиқланади. Хизмат кўрсатиш жараёнида бир нечта давлат органи иштирок этса, ЭДХ регламенти ушбу органлар билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

ЭДХ регламенти тартиби белгиланаётган давлат хизматларининг номлари тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олиши, шунингдек уни кўрсатиш тартиб-таомилларини тавсифлаши лозим, жумладан:

Ариза берувчидан сўровни қабул қилиш	Сўровни кўриб чиқиш ва қайта ишлаш	Натижани сақлаш ва жавобни юбориш
<ul style="list-style-type: none"> <li>• ЭДХ кўрсатиладиган шахслар тоифаси;</li> <li>• сўровни бериш усули;</li> <li>• сўровда кўрсатиладиган маълумотлар;</li> <li>• ариза берувчи ҳақиқийлигининг талаб қилинадиган даражаси;</li> <li>• тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати ва намуналари.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олинадиган маълумотлар рўйхати ва таркиби ҳамда уларни тақдим этувчи (олувчи) давлат органлари;</li> <li>• сўровни кўриб чиқиш (қайта ишлаш) муддатлари ва усули, АТнинг реестрдаги номи ва рақами;</li> <li>• хизматни кўрсатиш нархи ва онлайн-тўловнинг мавжудлиги (пулли учун)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• давлат хизмати кўрсатиш натижасини сақлаш усули ва тури;</li> <li>• давлат хизмати кўрсатиш натижасини тақдим этиш шакли;</li> <li>• давлат хизмати кўрсатилишини рад этиш учун асослар.</li> </ul>

ЭДХлари Давлат хизматлари, шакллари ва бланкалари ягона реестрининг бир қисми бўлган **Электрон давлат хизматлари ягона реестрида** рўйхатга олиниши шарт (8-бўлимга қаранг). Ушбу реестрда ЭДХни кўрсатиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ва маълумотлар рўйхати ва шакли, ҳамда ушбу хизматлар кўрсатишга масъул бўлган давлат органлари тўғрисида маълумотлар сақланиши лозим.

ЭДХ кўрсатиш сифати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган **услугийёт**, шунингдек **жамоатчилик фикрини** ўрганиш асосида АТКРВ томонидан баҳоланади. Баҳолаш натижалари ОАВда эълон қилиниши керак. ЭДХни кўрсатувчи давлат органлари баҳолаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда ушбу хизматларнинг кўрсатилиш сифатини ошириш бўйича чоралар кўриши шарт.

ЭДХ ариза берувчиларга расмий веб-сайт ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилади. ЭДХ кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги ахборотни ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиради.

## 6. Ягона интерактив давлат хизматлари портали

2013 йилнинг июль ойидан Ўзбекистонда **Ягона интерактив давлат хизматлари портали** (ЯИДХП) фаолият юритиб, у давлат органлари томонидан кўрсатиладиган электрон давлат хизматларидан ягона фойдалана олиш манбаи ҳисобланади.

Ягона порталнинг асосий вазифалари:

- ЭДХларининг рўйхатини, шунингдек уларни тақдим этиш тартибини эълон қилиш;
- ЭДХ олиш учун зарур бўлган аризаларни ва бошқа ҳужжатларни ариза берувчилардан электрон шаклда қабул қилиш;
- давлат органлари учун электрон шаклда олинган аризаларни қайта ишлаш имкониятини яратиш ва натижани ариза берувчига юбориш;
- ЭДХ кўрсатишга сўровларни қабул қилиш, идоровий ахборот тизимларига узатиш, улар бўйича натижаларни олиш ва ариза берувчиларга тақдим этиш;
- ЭДХ кўрсатиш ҳолатини кузатиш;
- электрон ҳужжатларни шакллантириш, сақлаш ва уларнинг ҳақиқийлигини текшириш;
- асосий давлат хизматларини кўрсатиш;
- ариза берувчиларнинг сўровларини ҳисобга олиш, шунингдек давлат органлари томонидан ЭДХ ўз вақтида ва сифатли тақдим этилиши мониторингини амалга ошириш.

Ариза берувчиларнинг Ягона порталдан фойдалана олишлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ **Ягона идентификация қилиш тизими** воситасида амалга оширилади.

Давлат органларидан олинган маълумотлар асосида ЭДХ кўрсатиш натижаси электрон ҳужжат шаклида тақдим этилиши мумкин. Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатлар **Электрон ҳужжатлар репозиторийсида** (ЭХР) сақланади. ЭХР – электрон ҳужжатларни қайта ишлашни ва сақлашни таъминловчи, шунингдек Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатнинг ҳақиқийлигини текшириш воситаларини тақдим этувчи ахборот ресурси.

ЭХРда сақланадиган электрон ҳужжатлар куйидаги реқвизитларга эга бўлади:

- давлат органи масъул шахсининг Ф.И.О, лавозими ва электрон рақамли имзоси;
- давлат органининг номи, почта ва электрон манзили;
- электрон ҳужжат яратилган сана;
- зарур бўлганда, электрон ҳужжатнинг амал қилиш муддати;
- электрон давлат хизмати кўрсатиш натижасида олинган маълумотлар;
- электрон ҳужжатнинг ноёб идентификация рақами.

ЯИДХП электрон ҳужжатнинг қоғозли манбадаги нусхасини шакллантириш имконини беради. У давлат хизматларини олиш учун аънавий сўровда уларни ариза берувчилар томонидан тақдим этиш учун мўлжалланган (шахсан келиб, почта ёки факсимиль алоқа орқали).

Электрон ҳужжатнинг қоғозли манбадаги нусхаси куйидагиларни ўз ичига олади:

- электрон давлат хизмати кўрсатувчи давлат органининг номи, почта ва электрон манзили;
- электрон ҳужжат яратилган сана;
- зарур бўлганда, электрон ҳужжатнинг амал қилиш муддати;
- электрон давлат хизмати кўрсатиш натижасида олинган маълумотлар;
- электрон ҳужжатнинг ноёб идентификация рақами;
- ҳужжатнинг ҳақиқийлигини текшириш учун ахборот жойлашган машина ўқий оладиган зона.

Давлат органлари ЯИДХПга электрон ҳужжатнинг ноёб идентификация рақамини киритиш йўли билан ёки машина ўқий оладиган зонадаги ахборот орқали ариза берувчилардан олинган электрон ҳужжатларнинг қоғозли манбадаги нусхаларининг ҳақиқийлигини текшириш имкониятига эга.

Давлат органлари идоровий ахборот тизимларидан тақдим этиладиган ахборотнинг ҳақиқийлиги ва долзарблигини таъминлайди. Электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари **қатъиян тақиқланган**.

## 7. Давлат хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш

Давлат хизматларини электрон шаклга муваффақиятли ўтказиш кўп жиҳатдан муассасалардаги давлат ваколатларини бажариш билан боғлиқ бўлган ички жараёнларнинг самарадорлиги ва сифатига боғлиқ. Ҳалқаро тажрибага биноан, давлат хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштирмаган ҳолда уларни электрон шаклга ўтказиш – ортиқча ва самарасиз жараёнларни автоматлаштириб, давлат хизматлари сифатининг яхшиланишига олиб келмайди.

ВМнинг 2.06.2016й. 184-сонли қарорига мувофиқ, ЭДХ кўрсатувчи давлат органлари:

- ЭДХ кўрсатишда бюрократик тўсиқлар юзага келишининг, кўп вақт кетиши ва молиявий чиқимлар юқорилигининг асосий сабаблари таҳлил қилиши;
- ЭДХ кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирларини мажбурий амалга ошириши;
- ЭДХ кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари сифатли амалга оширилиши доимий асосда қатъий назорат қилинишини таъминлаши **шарт**.

**Электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш** (ЭДХКТТ) – электрон давлат хизматларини кўрсатиш тартиби, шу жумладан уларни интерактив режимда кўрсатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва рационализиция қилишга қаратилган ташкилий, кадрларга оид, техник, ҳуқуқий ва бошқа чораларни ўз ичига олади.

ЭДХКТТ куйидаги бир ёки бир нечта чора-тадбирларни мажбурий бажаришдан иборат:

- хизмат кўрсатиш тартиб-таомилларини **ўзгартириш**;
- **ортиқча** ёки **такрорловчи** тартиб-таомилларини чиқариб ташлаш (таркиби хизмат кўрсатиш натижасига таъсир кўрсатмайдиган тартиб-таомиллар аниқланган ёки икки ва ундан ортиқ давлат органларига амалда айнан бир хил вазифалар ва функциялар берилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда);
- хизмат кўрсатиш (тартиб-таомилларни бажариш) **муддатларини** белгилаш ёки қисқартириш;
- хизмат кўрсатиш **қийматини** белгилаш ёки камайтириш, шу жумладан тўловни ўтказиш тартибини белгилаш;
- хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган давлат органлари ҳужжатларини **бирхиллаштириш**;
- хизматдан фойдаланишда жисмоний ва юридик шахслар томонидан тақдим этиладиган **ҳужжатлар рўйхатини** белгилаш ёки қисқартириш;
- **давлат органларини** белгилаш ёки истисно этиш, шу жумладан уларнинг функцияларини оқилона тақсимлаш ҳисобига хизмат кўрсатиш бўйича у ёки бошқа функцияни бошқа давлат органига бериш;
- хизмат кўрсатиш тартиб-таомилларини бажариш давомида қарорлар қабул қилиш **ваколатларини** бошқарув ходимларига бериш (қабул қилинган қарорларнинг асосланганлиги учун жавобгарликни юклаган ҳолда);
- хизматни **«ягона дарча»** принципи асосида ягона марказлар орқали кўрсатиш.

Куйидаги тартиб-таомиллар қайта кўриб чиқиш ва мақбуллаштириш учун номзод бўла олади: ҳужжатларнинг тўлиқлигини текшириш, аризани қабул қилиш, уни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш, ахборот йиғиш, объектни тест синовидан ўтказиш, экспертизадан ўтказиш, текшириш, қарорни тайёрлаш, қарорни келишиш, қарорни тасдиқлаш, қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилиш, электрон давлат хизмати кўрсатиш натижасини бериш ва бошқалар.

Давлат органлари ҳужжатларини **бирхиллаштиришнинг асосий принциплари**:

- ЭДХ кўрсатишнинг муайян соҳаси учун ҳужжатларнинг формуляр-намунасини шакллантириш ва унинг асосида ушбу ҳужжатлар тизими учун реқвизитлар таркибини белгилаш;
- ҳужжатларни энг кўп даражада бир хил хусусиятга келтириш йўли билан ҳужжатларнинг шаклларини ва уларни тузиш ва расмийлаштириш қоидаларини бирхиллаштириш;
- ҳужжатларга фақат аниқ вазифаларни ҳал қилиш учун, шу жумладан ҳужжатнинг юридик кучини тасдиқлаш учун зарур бўладиган реқвизитларни киритиш;
- ҳужжатларда ўзгарувчан (доимий бўлмаган) ахборотлар учун маълумотномалар ва классификаторлардан мажбурий фойдаланиш.



Электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш қуйидаги **босқичлардан** иборат:

- хизмат кўрсатишнинг амалдаги тартибини ўрганиш;
- хизмат кўрсатиш тартибининг жорий моделини тузиш;
- хизмат кўрсатиш тартибининг мақбуллаштирилган моделини тузиш;
- хизматини кўрсатиш тартибининг мақбуллаштирилган моделини жорий қилиш.

**Мақбуллаштирилган моделни жорий қилиш** – ЭДХ кўрсатиш тартибини ва талабларини белгилувчи НХХларни ўзгартириш ёки янги НХХ қабул қилиш, ЭДХ кўрсатиш тартиб-таомилларини тўлақонли бажариш учун зарур бўлган ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини яратиш, модернизациялаш ва уларни интеграциялаш орқали амалга оширилади. Ишлаб чиқилган НХХ лойиҳалари ЯИДХПда уларни эълон қилиш орқали, шунингдек жамоатчилик фикрини ўрганишнинг бошқа усулларини қўллаш йўли билан мажбурий равишда жамоатчилик томонидан муҳокама қилиниши керак.

Электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари:

- давлат хизматларини электрон шаклга ўтказишда давлат органлари томонидан доимий асосда;
- Республика комиссияси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган интерактив шаклга ўтказилиши ва ЯИДХПда жорий қилиниши керак бўлган Давлат хизматлари рўйхатидан келиб чиқиб АТКРВ томонидан давлат органлари билан биргаликда амалга оширилади.

ЭДХ кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида давлат органлари фаолиятини **мувофиқлаштириш** ва уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиши учун масъулият АТКРВга юклатилган. ЭДХКТТ бўйича амалга оширилган ёки режалаштирилаётган чора-тадбирлар давлат органлари ахборот тизимлари техник ҳужжатларини экспертиза қилишда ва ЭДХ регламентларини келишишда алоҳида эътиборга олинади. ЭДХКТТ чора-тадбирларини амалга ошириш натижасида яратилган ахборот тизимлари ЯИДХП билан интеграциялашиши керак.

**Рўйхатга мувофиқ АТКРВ иштирокида ЭДХКТТ чора-тадбирларини амалга ошириш схемаси**

Босқич	Ишлар	Субъектлар	Муддатлар
1	Республика комиссиясига интерактив шаклга ўтказилиши ва ЯИДХПда жорий қилиниши керак бўлган Давлат хизматлари рўйхатини тасдиқлаш учун киритиш  Рўйхатни тасдиқлаш	АТКРВ  Республика комиссияси	Ҳар йили 1 декабргача  Мажлисларни ўтказиш муддатларига мувофиқ
2	ЭДХКТТ чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳни тасдиқлаш  ЭДХ кўрсатилишини текшириш, жорий ва мақбуллаштирилган моделларини тузиш  Чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш	АТКРВ  Ишчи гуруҳ	Рўйхат тасдиқлангандан кейин  Рўйхатда назарда тутилган муддатларга мувофиқ
3	Чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш	Республика комиссияси	Мажлисларни ўтказиш муддатларига мувофиқ
4	АКТ жорий қилиш ва ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича давлат буюртмасига киритиш учун тегишли АТ ва АР яратиш таклифларини АТКРВга киритиш	ЭДХ кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар	Ҳар йили 1 сентябргача
5	Чора-тадбирлар режасини амалга ошириш	ЭДХ кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, АТКРВ, бошқа масъул бажарувчилар	Чора-тадбирлар режасида назарда тутилган муддатларга мувофиқ

## 8. Давлат хизматлари, шакллари ва бланклари ягона реестри

2015 йилнинг 1 октябридан бошлаб аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган барча давлат хизматлари АТҚРВ томонидан шакллантириладиган Давлат хизматлари, шакллари ва бланклари ягона реестрида мажбурий тартибда ҳужжатлаштирилиши ва қайд этилиши лозим.

**Давлат хизматлари, шакллари ва бланклари ягона реестри (ДХЯР)** – давлат хизматлари, шакллари ва бланкаларининг тўлиқ рўйхатини, шунингдек бошқа ахборотни ўз ичига оладиган, Интернет тармоғидаги очиқ ва ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурси.

Давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар АТҚРВ билан биргаликда кўрсатиладиган барча давлат хизматлари, шунингдек фойдаланиладиган шакллар ва бланкаларни хатловдан ўтказиши, регламентлаши ва ДХЯРга киритиши лозим. Хатлов натижаларига кўра давлат хизматлари кўрсатиш учун талаб қилинадиган идоровий АТ ва маълумотлар базаларини яратиш ва шакллантириш чора-тадбирлари режалари ҳамда тармоқ жадваллари тасдиқланади.

Мисол сифатида қуйидаги давлат хизматларини келтириш мумкин<sup>1</sup>:

- ариза берувчиларнинг ҳуқуқларини белгилаш (битимларни, мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш ва шу кабилар);
- ёзма ва бошқа шаклда расмийлаштириладиган юридик фактларни аниқлаш (маълумотномалар, гувоҳномалар, лицензиялар, рухсат бериш тусидаги ҳужжатларни бериш, штамплар қўйиш ва шу кабилар);
- ахборот бериш (кўчирмалар бериш, ахборотни эълон қилиш ва шу кабилар);
- давлат хизматларининг бошқа турлари.

Давлат органлари қуйидагиларга **мажбур**:

- ўзлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг регламентланишини ва Ягона реестрда ҳужжатлаштириш учун улар тўғрисида маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- ҳар йили 1 октябргача бўлган муддатда давлат хизматларини хатловдан ўтказиш ва улар тўғрисидаги Ягона реестрдаги маълумотларни актуаллаштириш;
- давлат хизматлари кўрсатиш регламентларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган ёки ушбу давлат хизматлари бекор қилинган тақдирда давлат хизматлари тўғрисидаги маълумотларни ўзгартириш ва тўлдириш бўйича таклифлар киритиш;
- давлат хизматларини Ягона реестрда рўйхатга олиш учун мазкур хизматлар тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни тақдим этиш.

ДХЯР давлат хизматлари ҳақида қуйидаги **маълумотларни** ўз ичига олади:

- Хизмат ноёб реестр рақами;
- Хизмат номи;
- Хизмат кўрсатиш натижасини берувчи ваколатли органнинг номи;
- Хизмат кўрсатилаётган ариза берувчилар тоифалари;
- Хизмат кўрсатиш шакли (анъанавий ва электрон);
- Хизмат кўрсатиш нархи;
- Хизмат кўрсатиш муддатлари;
- Хизмат кўрсатиш регламенти;
- Хизмат кўрсатиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар;
- Ахборот ҳамкорлиги орқали олинадиган ҳужжатлар ва ахборотлар ҳамда уларни берадиган давлат органлари;
- Хизмат кўрсатиш натижаси;
- Хизмат кўрсатиш натижасида бериладиган ёки хизмат олиш учун фойдаланиладиган шакллар ва бланкалар;
- ЯИДХПга ҳавола.

<sup>1</sup> Давлат хизматлари, шакллари ва бланкалари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида Низом (ВМнинг 2015 йил 13 майдаги 120-сон қарорига 1-илова).

## 9. Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими

Электрон ҳукумат инфратузилмаси элементларидан бири **идоралараро электрон ҳамкорлик тизими** (ИЭХТ) ҳисобланади. ИЭХТ – ариза берувчиларга давлат хизматлари кўрсатишда идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни, давлат органларига зарур бўлган электрон ҳужжатларни алмашишни таъминловчи аппарат-дастурий воситалар мажмуи.

Давлат органлари ўртасида ўзаро маълумот алмашиш **идоралараро электрон сўровлар** орқали амалга оширилади. Бу давлат органининг ариза берувчи сўрови асосида сўралаётган ҳужжатлар ва ахборот бор бўлган ташкилотларга электрон ҳужжат шаклида юборилган, давлат хизмати кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги талаби.

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими электрон давлат хизматлари кўрсатиш чоғида давлат органларининг функциялари ва вазибаларини амалга ошириш мақсадида уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди. Давлат органлари томонидан ахборот тизимларини ва ахборот ресурсларини яратиш чоғида ИЭХ қилишни таъминлаш учун ЭХнинг марказий маълумотлар базалари билан уларнинг интеграциялашуви имконияти назарда тутилган бўлиши керак.

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими ахборотни тўплаш, сақлаш, унга ишлов бериш, уни узатиш ва алмашишга доир талаблар асосида ишлайди. Давлат органларида фойдаланиладиган ҳужжатлар электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, асосан электрон ҳужжатлар тарзида яратилиши, жўнатилиши ва сақланиши керак. Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш воситасида узатиладиган ҳужжатларнинг ва ахборотнинг рўйхати ЭДХ регламентлари билан белгиланади.

Давлат хизматлари кўрсатишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг идоралараро ахборот ҳамкорлигини амалга ошириш тартиби тегишли низомда белгиланган<sup>1</sup>. Унга кўра, ИЭХ қилувчи давлат органлари тегишли идоралараро электрон сўров олинган кундан кейинги **бир иш куни мобайнида** сўраладиган ҳужжатлар ва ахборотни (архив маълумотномаларидан ташқари) тўлиқ ҳажмда тақдим этишга, шунингдек узатиладиган ҳужжатлар ва ахборотнинг ишончлилигини таъминлашга мажбур.

### Давлат хизматлари кўрсатишда идоралараро электрон ҳамкорлигини амалга ошириш схемаси

Босқич	Хатти-ҳаракатлар	Субъектлар	Муддатлар
1	Давлат хизмати олиш учун давлат органига сўров юбориш	Жисмоний ва юридик шахс	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
2	Давлат хизмати олиш учун сўровни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва бажариш учун қабул қилиш	Давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органи	Бир иш куни мобайнида
3	Идоралараро электрон сўровни шакллантириш ва давлат хизматини кўрсатиш учун зарур ҳужжатлар ва ахборот бор бўлган давлат органига ёки бошқа ташкилотга юбориш.	Давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органи	Бир иш куни мобайнида
4	Идоралараро электрон сўровни юборишнинг ҳуқуқий асосини аниқлаш. Сўралаётган ҳужжатлар ва ахборотнинг мавжудлиги фактини аниқлаш. Сўралаётган ҳужжатлар ва ахборотни илова қилган ҳолда идоралараро электрон сўровга жавобни шакллантириш ва юбориш.	Ўз ихтиёрида зарур ҳужжатлар ва ахборотга эга бўлган давлат органи ёки бошқа ташкилот	Идоралараро электрон сўров юборилган кундан кейинги бир иш куни мобайнида

<sup>1</sup> Давлат хизматлари, шакллари ва бланкалари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида Низом (ВМнинг 2015 йил 13 майдаги 120-сонли Қарорига 1-илова).

## 10. Электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базаси

**Электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базалари** (ЭХ ММБ) – ягона марказлаштирилган ахборот манбаларини тақдим этувчи давлат ахборот ресурслари бўлиб, уларда давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш учун давлат органларининг асосий маълумотлари умумлаштирилади ва сақланади.

ЭХ ММБга мисол сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг марказий маълумот базаларини кўрсатиш мумкин. Уларни шакллантириш тартиби белгиланган низомга<sup>1</sup> кўра, ММБлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиб ваколатли органлар томонидан шакллантирилади ва долзарблаштирилади:

- Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (**ЖШ ШИР**) жисмоний шахснинг ягона идентификатори ҳисобланади.
- Солиқ тўловчининг идентификация рақами (**СТИР**) юридик шахснинг ягона идентификатори ҳисобланади.

**ЖШ МБ** ни шакллантириш ва долзарблаштириш бўйича ваколатли органлар қуйидагилардир:

- ИИБ (доимий ва вақтинчалик турар жойи тўғрисидаги маълумотлар);
- ДСК (СТИР);
- ДПМ (ЖШ ИИР, ФИО, жинси, туғилган санаси ва жойи, паспорт серияси, рақами, берилган жойи ва санаси, амал қилиш муддати, миллати, фуқаролиги).

**ЮШ МБ** ни шакллантириш ва долзарблаштириш бўйича ваколатли органлар қуйидагилардир:

- ДСК (тўлиқ ва қисқартирилган номи, СТИР, давлат рўйхатига олинган сана ва рақами, тугатиш санаси, юридик манзили, устав фонди миқдори, раҳбарнинг СТИРи, ЮШ фаолияти ҳақида маълумот, телефон, электрон манзили);
- ДСТҚ (юридик шахс коди, мулк шакли коди, ташкилий-ҳуқуқий шакл коди, жойлашган ҳудуд коди, йиллик статистик ҳисоботга кўра асосий фаолият коди).

ЭДХни кўрсатиш ва ИЭХ жараёнида ЭХнинг марказий ахборотлар базасидаги маълумотлар қўлланилади. ЭДХни кўрсатиш ва ИЭХ учун зарур бўлиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар давлат органларига қарашли бўлган ахборот тизимларида ва ахборот ресурсларида сақланиши мумкин.

ЭДХ кўрсатиш чоғида, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш жараёнида ЭХ ММБдаги ахборотдан фойдаланилади. ЭДХ кўрсатиш учун, шунингдек ИЭХ қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларида сақланиши мумкин.

Электрон ҳукумат доирасида идоравий ахборот тизимлари ва ресурсларининг мослиги ва уйғунлашувини таъминлаш мақсадида, давлат органлари ММБда мавжуд бўлмаган ва давлат хизматларини кўрсатиш учун талаб қилинган маълумотларни сақлаш учун ЭХнинг ягона идентификаторлари (ЖШ ШИР, СТИР ва бошқалар) дан **фойдаланиши шарт**. Масалан, ТИВ Ўзбекистон Республикаси консуллик рўйхатига киритилган фуқаролар маълумотлар базасида ҳар бир шахснинг идентификация рақамини, яъни ЖШ ШИРни сақлаши лозим. Бу ТИВ маълумотлар базасини марказий ЖШ МБ, ИИБ ва аҳолига консуллик хизматларини кўрсатишда иштирок этувчи бошқа давлат органларининг маълумотлар базалари билан интеграция қилиш имконини яратади.

Давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахслардан марказий маълумотлар базалари ва тегишли ваколатли органларнинг ахборот ресурсларида мавжуд бўлган маълумотларни талаб қилиш **тақиқланади**.

<sup>1</sup> «Электрон ҳукумат» тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низом (ВМнинг 17.12.2015й. 365-сонли Қарорига 1-илова).

## 11. Электрон ҳукумат фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона тизими

Марказий маълумотлар базаларидаги маълумотлардан фойдаланганда жисмоний ва юридик шахсларни идентификациялаш фақат «**Электрон ҳукумат**» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими (ЯИТ)<sup>1</sup> орқали амалга оширилади.

Идентификациялашнинг ягона тизими қуйидаги **вазифаларни** бажаради:

- интерактив давлат хизматлари кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда фойдаланувчиларнинг ҳақиқий идентификацияланишини таъминлаш;
- «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини рўйхатга олиш, идентификациялаш, аутентификациялаш ва авторизациялашнинг ягона механизмини таъминлаш;
- идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг (ваколатли органлар) ахборот тизимларидан рухсат этилган ҳолда фойдаланишни таъминлаш.

Фойдаланувчиларни идентификациялашнинг ягона тизимига уланган ваколатли органларнинг ахборот тизимларида **идентификациялаш** жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ва юридик шахснинг солиқ тўловчининг идентификация рақами асосида амалга оширилади. Идентификациялаш деганда ариза берувчини унинг идентификаторини ММБдаги идентификаторлар рўйхати билан солиштириш орқали аниқлаш жараёни тушунилади.

Фойдаланувчиларни идентификациялашнинг ягона тизимида **аутентификациялаш** электрон рақамли имзо воситалари, шунингдек бошқа усуллар билан белгиланган тартибда амалга оширилади. Аутентификацияни ариза берувчининг шахсини тасдиқлаш жараёнига тенглаштириш мумкин (паспортни текшириш каби). Фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотлар ваколатли органларнинг тегишли ахборот тизимларига муваффақиятли аутентификацияланишдан сўнг юборилади.

Фойдаланувчи интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш учун идентификациялашнинг ягона тизими орқали **авторизацияланиши** керак. Авторизация – бу фойдаланувчининг ахборот, хизматлар ва бошқа ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш жараёни ҳисобланади (қорхоналарнинг маълум фаолият тури билан шуғулланиш лицензияси мавжудлигини текшириш каби).

Идентификациялашнинг ягона тизимидан олинган фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотлар ишончли ҳисобланади ва давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш учун мўлжалланган.

Ҳужжатлар ва ахборот билан автоматлаштирилган тарзда айирбошлаш мақсадида ваколатли органлар ахборот тизимларининг интеграциялашуви «Электрон ҳукумат» тизими **идоралараро интеграциялашув платформаси** (ИИП) орқали амалга оширилади. ИИПга уланадиган ваколатли органларнинг ахборот тизимлари ҳам ҳужжатлар ва ахборотни тақдим этиш учун мурожаат қилган маълумотларни етказиб берувчилар, ҳам ҳужжатлар ва ахборотни сўраган маълумотларнинг истемолчилари бўлиши мумкин.

<sup>1</sup> «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими тўғрисидаги Низом (ВМнинг 17.12.2015й. 365-сонли Қарорига 2-илова).

## 12. Давлат органларининг ахборот ресурслари ва тизимлари

Давлат органлари ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини ички жараёнларни автоматлаштириш ва самарадорлигини ошириш, бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва фуқаролар билан электрон ҳамкорлик қилиш, шунингдек давлат хизматларини аҳоли ва тадбиркорларга электрон шаклда кўрсатиш мақсадида яратадилар.

**Ахборот ресурси** – ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси. Давлат ахборот ресурслари (ДАР) турлари – реестр, регистр, кадастр, рўйхат, классификатор, маълумотнома ва давлат ваколатларини амалга оширишда қўлланиладиган бошқа ҳужжатлаштирилган маълумотлар тўпламлари.


ДАР яратишда қуйидаги **талабларга** риоя этилади<sup>1</sup>:

- ДАРда ҳужжатлаштирилган ахборот тизимлаштирилиши, таснифланиши ва тегишли реквизитлар билан таъминланиши керак.
- Яратиладиган ДАР давлат органларининг бошқа АР ва АТдан ахборот олишни назарда тутмаслиги керак, агар ушбу ахборот «Электрон ҳуқумат» тизими жисмоний ва юридик шахсларининг марказий маълумотлар базаларида мавжуд бўлса.
- «ЭХ» тизими жисмоний ва юридик шахсларининг ММБда мавжуд бўлмаган жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги ахборот сақланишини таъминлайдиган ДАР тегишли равишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланишлари керак.

Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхати ВМ қарори билан тасдиқланган<sup>2</sup>. ДАРни ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш белгиланган тартибда АТКРВ томонидан амалга оширилади. Давлат органлари йил давомида янгидан ташкил этилган ДАР бўйича ахборотни АТКРВга рўйхатга киритиш учун тақдим этиши лозим.

Ахборот ресурсларидаги маълумотлар ахборот тизимлари орқали бошқарилади. **Ахборот тизими** – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари. Давлат ахборот тизимлари (ДАТ) турлари – давлат органларига ўз вазифаларини бажаришда қўмаклашувчи транзакция ва ҳисоб-китоб тизимлари, ресурсларни бошқариш тизимлари, электрон ҳужжатлар айланмаси тизимлари ва бошқалар.

**Ахборот тизимини** яратиш bosқичлари:



<sup>1</sup> Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қарорига 1-илова).

<sup>2</sup> «Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги ВМК, №27, 20.02.2006 й.

Босқич/Вазифа	Натижа (хужжатлар)
<b>1. АТга қўйилган талабларни шакллантириш</b>	
Фойдаланувчилар эҳтиёжларини ўрганиш, автоматизациянинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, тизимга нисбатан функционал талабларини белгилаш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>• АТ ишлаб чиқиш учун талабнома</li> <li>• Дастанлар ва сўнги техник-иқтисодий ҳисоб-китоб (ДТИХ ва ТИХ)</li> <li>• Тендер хужжатлари тўплами</li> </ul>
<b>2. АТ концепциясини ишлаб чиқиш</b>	
АТни амалга ошириш учун энг самарали вариантларни излаш, таққослаш ва исботлаш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>• АТ яратиш концепцияси (ГОСТ 7.32 ҳисоботи)</li> </ul>
<b>3. Техник топшириқни ишлаб чиқиш</b>	
Буюртмачи томонидан тизимга бўлган талабларни шакллантириш ва тасдиқлаш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>• O'z DSt 1987-2010 бўйича техник топшириқ</li> </ul>
<b>4. Эскиз ва техник лойиҳаларни амалга ошириш</b>	
Тизим архитектураси ва уни амалга ошириш бўйича техник қарорларни ишлаб чиқиш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Техник лойиҳа қайдномаси</li> <li>• Тушунтириш хати</li> <li>• Автоматлаштирилган жараёнлар, техник воситалар, ахборот таъминоти, ташкилий тузилмаси тавсифи</li> </ul>
<b>5. Фойдаланиш хужжатларини ишлаб чиқиш</b>	
Тизимни ўрнатиш ва синовларга тайёрлаш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Тизимнинг дастурий таъминоти</li> <li>• Синовлар дастури ва услуби</li> <li>• Лойиҳа смета хужжатлари</li> <li>• Эксплуатацион хужжатлар</li> </ul>
<b>6. АТни амалга киритиш ва кузатиш</b>	
АТни ишга тушириш учун ташкилий тайёрлаш. Тест ўтказиш. Тажрибавий фойдаланиш. Қабул қилиш синовлари. Кузатиш стратегияси.	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Синовлар баённомалари</li> <li>• АТ доимий фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида далолатнома</li> <li>• Кузатиш режаси</li> </ul>

Давлат ахборот тизимларини яратишга қўйиладиган асосий талаблар<sup>1</sup>:

- ДАТ техник хужжатлари **экспертизага** АТҚРВга тақдим этилади (30 кун муддатга).
- ДАТ техник хужжатлари автоматлаштириш ва электрон шаклга ўтказиш режалаштириладиган, бажариладиган **маъмурий тартиб-таомиллар** тўғрисидаги ахборот, ишлаб чиқувчи билан буюртмачи томонидан биргаликда автоматлаштириладиган фаолият соҳасининг **функционал ва операцион жараёнларини қайта ташкил қилиш ва мақбуллаштириш** ўтказилганлиги ёки ўтказиш режалаштирилганлиги тўғрисидаги ахборот, шунингдек уни ўтказиш яқунлари бўйича самарадорлик кўрсаткичларини ўз ичига олиши керак.
- ДАТ **очик маълумотлар тўпламларини** генерация қилиш имкониятини таъминлаши шарт (14-бўлим).
- ДАТ давлат органларининг бошқа давлат ахборот ресурсларидан ва ахборот тизимларидан ахборот олишни **назарда тутмаслиги керак**, агар ушбу ахборот «ЭХ» тизими жисмоний ва юридик шахсларнинг марказий маълумотлар базаларида мавжуд бўлса.

Давлат органлари ахборот ресурслари ва тизимлари АТҚРВ томонидан **Давлат ахборот ресурслари ва давлат органларининг ахборот тизимлари реестрида** ҳисобга олинади – давлат ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари рўйхатини ҳамда қонун хужжатларига мувофиқ улар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига оладиган Интернет тармоғидаги очик ва умумфойдаланадиган ахборот ресурси. ДАТ ва ДАР ушбу реестрга киритилиши қонунлаштирилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Давлат органларининг ахборот тизимларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом (ВМнинг 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сонли Қарорига 2-илова).

<sup>2</sup> Ахборотни хужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (ЎзААА Буйруғи 10.02.2006 й. №42) ва Давлат органлари ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (ЎзААА Буйруғи 17.11.2006 й. №355).

### 13. АКТ лойиҳаларни амалга оширишга давлат буюртмаси

**АКТни жорий қилиш ва ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат буюртмаси** – маълумотлар банкларини сақлаш, қайта ишлаш ва бошқариш ҳамда турли интерактив хизматлар кўрсатиш учун давлат органларининг идоралараро интеграциялашган ахборот тизимларини жорий қилиш, идоралараро маълумотлар узатиш тармоқларини яратиш, «Электрон ҳукумат» тизимини, миллий қидирув тизимларини ва датамарказларни шакллантириш бўйича лойиҳаларнинг ягона реестри. Давлат буюртмасига (ДБ) киритилган лойиҳалар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

Давлат буюртмаси эришилган кўрсаткичларни ҳар чоракда аниқлаштирган ҳамда давлат буюртмасининг манзилли қисмини янгилаган ҳолда ҳар йиллик асосда шакллантирилади. ДБ шакллантиришнинг асосий принциплари<sup>1</sup>:

- ахборотлаштириш соҳасидаги **ягона давлат сиёсати** амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек лойиҳаларни танлаш амалий механизмини шакллантириш ва уларни амалга ошириш мониторинги асосида маблағлардан самарали фойдаланиш механизмини яратиш;
- давлат органлари манфаатлари учун энг муҳим ва устувор **идоралараро лойиҳаларни** қўллаб-қувватлаш;
- «ЭХ» тизимини шакллантириш соҳасидаги лойиҳаларни давлат бошқаруви самарадорлиги ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга **интерактив давлат хизматлари кўрсатиш** сифати оширилишини таъминловчи ҳажмларда биринчи навбатда молиялаштириш;
- **идоралараро интеграциялашган** ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базалари, идоралараро маълумотлар узатиш тармоқларини шакллантириш;
- давлат буюртмасининг мақсадли вазифасига жавоб берадиган **илгари бошланган** лойиҳаларнинг тугатилишини биринчи навбатда молиялаштириш.

Давлат органларининг умумий ички жараёнларини автоматизациялашга йўналтирилган лойиҳаларга (масалан, электрон ҳужжатлар айланмаси, бухгалтерлик ҳисоби, кадрларни бошқариш, ва бошқа шу каби ахборот тизимлари) ДБ ни шакллантиришда **энг кам эътибор** қаратилади.

#### АКТ лойиҳаларни амалга оширишга давлат буюртмасини шакллантириш схемаси

Босқич	Тадбирлар	Муддатлар	Масъуллар
1	Ишчи орган давлат органларига ДБга киритиш учун таклифлар тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмаларни юборади.	ҳар йили 1 августгача	Ишчи орган
2	Лойиҳа ташаббусчилари лойиҳалар бўйича таклифлар ва дастлабки ахборотни тайёрлайдилар, йиллик давр учун ДБга киритиш учун ишчи орган кўриб чиқиши учун киритадилар.	1 сентябргача	Лойиҳа муаллифлари, ишчи орган
3	Ишчи орган лойиҳаларни ўрганиб чиқади ва уларни идоралараро комиссия (ИК) кўриб чиқиши учун тақдим этади.	1 октябргача	Ишчи орган, ИК
4	ИК ДБ лойиҳаларини белгиланган тартибда кўриб чиқади. Танлаб олинган ва бутланган лойиҳалар ДБнинг манзилли қисмига киритиш учун тақдим этилади.	15 октябргача	ИК
5	Ишчи орган ДБ лойиҳаларини тасдиқлаш учун Республика комиссиясига (РК) киритади.	20 октябргача	Ишчи орган, РК
6	ДБ лойиҳалари Республика комиссиясининг баённома қарори билан тасдиқланади.	1 ноябргача	РК
7	ДБни амалга оширишнинг биринчи йилига киритиладиган янги бошланадиган лойиҳалар бўйича тендер ўтказилади.	ноябр-январ	Ишчи орган, лойиҳа ташаббусчилари
8	Тасдиқланган ДБ ва ўтказилган танлов (тендер) савдоларига мувофиқ белгиланган тартибда лойиҳаларни амалга ошириш учун шартномалар тузилади.	январ-феврал	Ишчи орган, лойиҳа ташаббускорлари, хизматлар етказиб берувчилар ва тизим интеграторлари

<sup>1</sup> АКТни жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низом (ВМнинг 25.01.2013й. 18-сон Қарорига 1-илова).



## 14. Очiq маълумотлар

Жамият учун керакли бўлган жуда катта ҳажмдаги маълумотлар давлат органларида тўпланади. Давлат органлари фаолияти ҳақидаги ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни очiq маълумотлар шаклида эълон қилиниши очiq давлат бошқарувининг асоси ҳисобланади. Хусусан, давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги таъминланади, жамоат назорати учун имкониятлар яратилади ва шу билан бирга фуқаролар ва тадбиркорлар учун янги хизматлар вужудга келади.

**Очiq маълумотлар** – кўп маротаба, эркин ва бепул фойдаланиш мақсадида машинада ўқиладиган форматда Интернет тармоғида жойлаштирилган давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот. Машинада ўқиладиган форматли ахборот бир хилда тузилган ва дастурлаш воситалари ёрдамида қайта ишлаш имконига эга бўлиши лозим. Бунга CSV, XML, JSON, RDF форматлари мисол бўла олади.

Очiq маълумотлар тўпламига қуйидагилар **киритилмайди**:

- жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотлари;
- давлат, банк, тижорат, солиқ ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирни ўз ичига олган маълумотлар, шунингдек махфий ахборот;
- нотўғри маълумотлар;
- қонун ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа маълумотлар.

Давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборотни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун яроқли бўлган форматларда тақдим қилиш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар портали** (Портал) ишга туширилди (<http://data.gov.uz>)<sup>1</sup>.

Портал оператори ЭХТРМ ҳисобланади. Оператор очiq маълумотларни етказиб берувчилар томонидан шакллантирилган очiq маълумотлар тўпламлари Порталда машинада ўқиладиган форматда, очiq маълумотлардан тақдор фойдаланишга тўсқинлик қиладиган чекловларсиз жойлаштирилишини таъминлайди.

Очiq маълумотларни етказиб берувчи (давлат органи) вазифалари:

- Порталда очiq маълумотларни тақдим этишга масъул мансабдор шахсни тайинлаш ва унинг алоқа маълумотларини эълон қилиш;
- очiq маълумотларнинг долзарблигини баҳолаш орқали, шу жумладан фойдаланувчиларнинг ахборот хабарларини қайта ишлаш натижалари бўйича Порталда жойлаштириладиган очiq маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончилиги ва долзарблигини таъминлаш;
- очiq маълумотларнинг даврий равишда янгиланишини таъминлаш;
- очiq маълумотларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш;
- Портал орқали юборилган фойдаланувчиларнинг ахборот хабарларини 15 кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраш талаб этилса – 1 ой муддатгача кўриб чиқиш ва жавоб бериш;
- Регламентда белгиланган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш<sup>2</sup>.

Порталда эълон қилинаётган очiq маълумотлар тўплами **паспортга** эга бўлиши лозим.

Давлат органлари очiq маълумотларини Портал билан бир вақтда ўз расмий **веб-сайтда** ҳам эълон қилишлари шарт. Бунинг учун, давлат органи расмий веб-сайтда:

- очiq маълумотлар тўпламларини машинада ўқиладиган форматда эълон қилиш учун «Очiq маълумотлар» бўлимини яратиш;
- бош саҳифада «Очiq маълумотлар» бўлимига визуал фарқландиган ҳаволани киритиш;
- «Очiq маълумотлар» бўлимида очiq маълумотлар тўпламларининг алоҳида саҳифаларига ҳаволалардан иборат очiq маълумотлар тўпламларининг реестрини кўрсатиш.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар портали тўғрисидаги Низом (7.08.2015й. 232-сонли ВМҚга илова)

<sup>2</sup> Очiq маълумотларни шакллантириш, уларни жойлаштириш ва қайта ишлаш регламенти (АТКР Вазирининг 27.11.2015 й. 141-мқ-сонли Буйруғига илова)

## 15. Электрон рақамли имзо

ЭХ доирасида давлат органларининг фойдаланувчилар билан ўзаро ҳамкорлигида **электрон хужжатлар** (электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот) муҳим.

Электрон хужжатларга юридик куч берувчи асосий восита **электрон рақамли имзо** (ЭРИ) бўлиб, у электрон хужжатдаги ахборотнинг яхлитлигини, ҳаққонийлигини ва электрон имзонинг унинг эгасига тегишлилигини тасдиқловчи махсус хужжат реқвизити ҳисобланади. Мазкур реқвизит ахборотни криптографик йўлда қайта ишлаш натижасида яратилади.

ЭРИ электрон хужжатга имзо қўйган шахсни аниқлаш учун мўлжалланган бўлиб, қонун хужжатларида белгиланган ҳолларда қўлёзма имзо даражасидаги ҳуқуқий кучга эга саналади. Электрон имзо фуқаролик-ҳуқуқий битимларни тузишда, давлат хизматларини кўрсатишда, давлат функцияларини бажаришда ва бошқа юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни электрон шаклда амалга оширишда қўлланилади.

«Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у махсус ваколат берган орган (АТКРВ) амалга оширади.

### Ўзбекистон Республикасида ЭРИ калитларини рўйхатга олиш марказлари<sup>1</sup>

№	Ташкилот номи	Алгоритм
1	«UNICON.UZ» ДУК	RSA Encryption SHA1; O'zDSt 1092:2009
2	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази	O'zDST 1092:2009
3	«INTELLECT SOFT» ҲК	RSA Encryption SHA1
4	«O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi Axborot-hisoblash markazi» ДУК	ГОСТ Р 34.10-2001; O'zDSt 1092:2009
5	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси	O'zDSt 1092:2009
6	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	RSA Encryption SHA256

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 июлдаги 190-сонли қарори билан белгиланган **тартибга** мувофиқ, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин фойдаланишни таъминлайдиган электрон рақамли имзо сертификатини бериш электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатдан ўтказиш маркази – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази (**ДСҚ ЯТМ**) томонидан амалга оширилади.

2016 йил 1 январдан давлат органларининг хизматлар кўрсатиш учун фойдаланиладиган ахборот тизимларининг ахборот-технологик ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда **фойдаланувчиларни идентификациялашнинг** бепул фойдаланиладиган **ягона ахборот тизими** ишга туширилди<sup>2</sup>.

Давлат органлари ва тижорат банкларига 2016 йил 1 мартгача қўйилган **вазифалар**:

- хизматлар кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган расмий веб-сайтлар ва порталларни идентификациялаш тизими билан интеграциялаш ҳамда уларнинг ДСҚ ЯТМ томонидан берилган ЭРИ билан мослигини таъминлаш;
- идентификациялаш тизимидан фойдаланиш, шунингдек ДСҚ ЯТМ томонидан берилган ЭРИ ёрдамида электрон хужжатларни имзолаш йўли билан расмий веб-сайтларда ва порталларда жисмоний ва юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш, идентификациялаш ва авторизациялашни амалга ошириш.

<sup>1</sup> <http://www.pki.uz/site/reestr.php>

<sup>2</sup> <http://esi.uz>

## 16. «Ягона дарча» Маркази ва тадбиркорларга хизматлар

Тадбиркорлик тузилмаларига замонавий АКТдан кенг фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан ошириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиши ягона марказлари («ягона дарча» марказлари) ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2412-сонли Қарорига мувофиқ фақат «ягона дарча» марказлари (ЯДМ) орқали кўрсатиладиган 16 та давлат хизматлари Рўйхати тасдиқланган. Ушбу рўйхат кейинчалик қўшимча давлат хизматлари билан тўлдириб борилади.

### «Ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати

№	Кўрсатиладиган хизмат номи
1	Тадбиркорлик субъектларини инженерлик коммуникация тизимларига «тўлиқ бажариш» шarti билан улаш
2	Бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартириш (фасадни таъмирлаш) учун рухсат бериш
3	Объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш учун рухсат бериш
4	Қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун рухсат бериш
5	Ер участкаларига эгалик ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш
6	Бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дов-дарахтларга эгалик ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш
7	Ипотекани ҳамда юридик шахсларнинг бинолар ва иншоотлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш
8	Алкогол маҳсулотлари билан улгуржи савдо қилиш учун рухсат бериш
9	Умумий овқатланиш жойларида алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилиш учун рухсат бериш
10	Кўчма савдо билан шуғулланиш учун рухсат бериш
11	Ташқи реклама жойлаштириш учун рухсат бериш
12	Турар жойларни нотурар жойга ўзгартириш
13	Фойдаланиш даврида зарар кўрган ер майдонларини рекултивациялаш бўйича хулоса чиқариш
14	Ўрмон фондига киритилмаган дарахт ва ўсимликларни кесиш учун рухсат бериш
15	Махсус сувдан фойдаланиш ва сув истеъмол қилиш учун рухсат бериш
16	Ўсимлик дунёсининг объектларидан махсус фойдаланиш учун рухсат бериш

Давлат органлари ва ташкилотларига қуйидагилар **тақиқланади**:

- 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб Рўйхатга киритилган давлат хизматларини кўрсатиш учун бевосита тадбиркорлик субъектларидан аризалар қабул қилиш;
- давлат хизматларини кўрсатиш учун ЯДМга мурожаат этган тадбиркорлик субъектларини уларнинг аризаларини кўриб чиқиш жараёнига тақлиф қилиш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 декабрдаги 358-сонли Қарорига мувофиқ:

- ваколатли органларнинг давлат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ бўлган фаолиятининг функционал ва операция жараёнлари улар Рўйхатга киритилган санадан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тизимли равишда **қайта ташкил этилади**;
- **давлат хизмати паспорти** у тасдиқланган санадан бошлаб бир кун муддатда ваколатли органнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади;
- давлат хизмати паспорти, ҳужжатларнинг намунавий шакллари ва бланкалари, ахборот-маълумотнома ресурслари ваколатли органлар томонидан, кейинчалик уларни ЯДМга юбориш учун улар тасдиқланган санадан бошлаб **бир ҳафта муддатда** Адлия вазирлигига ҳамда АТКРВга тақдим этилади;
- АТКРВ тасдиқланган давлат хизматлари паспортлари, ҳужжатларнинг намунавий шакллари ва бланкалари, шунингдек ахборот-маълумотнома ресурслари асосида **ЯИДХП**да давлат хизматлари паспортларининг эълон қилинишини ҳамда Ягона порталда алоҳида интерактив тарзда тўлдириш ва давлат хизматлари олиш учун электрон ҳужжатларни тақдим этиш имкониятини жорий этишни таъминлайди.

## «Ягона дарча» марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиш схемаси

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1	Аризачи	“Ягона дарча” марказига ариза бериш	аризачининг хохишига кўра
2	ЯДМ	1. Давлат хизмати паспортига мувофиқ аризининг тўлиқлигини текшириш 2. Аризани уникал рақам остида электрон журналда рўйхатдан ўтказиш 3. Ариза берувчига ариза қабул қилинганлиги тўғрисида тилхат бериш ёки унинг нухсасига белги қўйиш 4. Аризани сканерлаш ва ЭРИ қўйиш 5. Аризани тегишли ваколатли органга юбориш	30 дақиқа мобайнида    бир иш куни мобайнида
3	Ваколатли орган	1. Аризани қабул қилиш ва кўриб чиқиш 2. Давлат хизмати натижаларини расмийлаштириш ёки сабабларини келтириб рад этишга тайёрлаш 3. Кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўзининг электрон ахборот ресурсларига киритиш 4. Давлат хизмати кўрсатиш натижаларини ёки унинг асосланган рад этилишини электрон тарзда ЯДМга ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилинган тақдирда – аризачига юбориш	ДХ паспортида белгиланган муддатларда  ДХ паспортида кўрсатилган муддатдан 3 соатдан кечикмай
4	ЯДМ	1. Ваколатли органдан давлат хизматини кўрсатиш натижасини ёки асосланган рад этишни олиш. Аризачини аризада кўрсатилган усулда хабардор қилиш. 2. Аризачига бериш учун зарур бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш. 3. Аризачига аризада кўрсатилган усулда ҳужжатларни бериш. 4. Аризаларни рўйхатдан ўтказишнинг Электрон журналига тегишли ёзувларни киритиш.	аризани кўриб чиқиш натижалари олингандан кейин бир иш соати мобайнида

ВМнинг 2014 йил 31 декабрдаги 377-сон қарорига мувофиқ, 2015 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматлари кўрсатишда давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларидан бошқа давлат органларида ва ўзга ташкилотларда мавжуд бўлган ҳужжатларни ва ахборотларни, шу жумладан солиқ қарздорлиги ёки коммунал тўловлар бўйича қарзларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларнинг, тадбиркорлик субъекти таъсис ҳужжатларининг, лицензиялар ва рухсат берувчи тусдаги ҳужжатлар нухсаларининг талаб қилиниши **тақиқланади**.

2016 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишда қуйидаги **талабларга** риоя этилиши шарт:

- давлат органлари бошқа орган ва ташкилотларда мавжуд бўлган зарур ҳужжат ва ахборотларни ўзаро ахборот ҳамкорлиги орқали, жумладан электрон тарзда мустақил равишда оладилар;
- тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотлар мавжуд бўлган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ушбу ҳужжатлар ва ахборотларни (архив маълумотномалари бундан мустасно) давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа органлардан тегишли идоралараро сўров олинган вақтдан бошлаб бир иш куни мобайнида тақдим этилиши шарт;
- давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотларнинг ушбу ҳужжатлар ва ахборотлар мавжуд бўлган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан идоралараро сўров бўйича тақдим этилмаслиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаслиги тадбиркорлик субъектига давлат хизматини кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланмайди.

## 17. АКТни ривожлантириш ҳолатини рейтингли баҳолаш

2014 йилнинг 1 январидан давлат органларида АКТни жорий этиш самарадорлиги тасдиқланган методика асосида ҳар чоракда ЭХТРМ томонидан баҳоланади. Рейтингли баҳолаш тизими ва схемаси, ҳамда давлат органларининг расмий веб-сайтларига қўйиладиган асосий талаблар (таркиби ва функционалиги бўйича) ВМнинг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон қарориди тасдиқланган.

Рейтингли баҳолаш методикаси ҳамда баҳоланиши керак бўлган давлат органлари рўйхати (114 ташкилот) Республика комиссияси томонидан тасдиқланган<sup>1</sup>. Методикада давлат органлари ички жараёнларини мақбуллаштириш, очиқлиги ва шаффофлигини ошириш учун уларда АКТни жорий этиш ҳолатини баҳолаш тартиби белгиланган.

Баҳолаш 100 баллик тизим асосида қуйидаги **бўлим** ва **кўрсаткичлар** бўйича амалга оширилади:

### 1. Расмий веб-сайт ва интерактив давлат хизматларини кўрсатиш (максимал 60 балл)

- Интернет тармоғида расмий веб-сайтнинг мавжудлиги ва ундан фойдалана олиш (1);
- Расмий веб-сайтнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги (5);
- «Очиқ маълумотлар» бўлимининг мазмуни (8)
- «Электрон қатнашиш» учун имкониятлар (16)
- Электрон давлат хизматларини кўрсатиш бўйича талабларни бажариш (30).

### 2. Ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва электрон ҳужжатлар айланмаси (16)

- «Электрон ҳукумат» тизими доирасида фойдаланиладиган ахборот тизимлари (8);
- Идоралараро электрон ҳужжатлар айланиши тизимининг фаолият кўрсатиши (4);
- Бошқа давлат органларининг ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи маълумотлар базалари (4).

### 3. Ахборотлар хавфсизлиги (20)

- Ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимлари ва воситаларини ташкилотнинг молиялаштириш манбалари билан тасдиқланган яқин йиллардаги фаолиятига жорий этиш тадбирлари режаларининг мавжудлиги (3);
- Ахборот хавфсизлиги бўйича ташкилий чора-тадбирларнинг мавжудлиги ва уларнинг амалга оширилиши ҳолати (7);
- Ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ходимларини ҳимоя қилиш бўйича жисмоний чора-тадбирларнинг мавжудлиги ва амалга оширилиши ҳолати (4);
- Ахборот хавфсизлигини таъминлаш техник воситаларининг мавжудлиги ва ҳолати (6).

### 4. Ташкилий қисм (4)

- Ташкилотнинг молиялаштириш манбалари билан тасдиқланган, яқин йиллардаги фаолиятига АКТ жорий этиш ва ривожлантириш тадбирлари режаларининг мавжудлиги (1);
- Давлат хизматларини интерактив шаклга босқичма-босқич ўтказиш бўйича ўтказишнинг жадваллари ва саналари кўрсатилган ҳолдаги чора-тадбирлар дастурининг мавжудлиги (1);
- АКТни жорий этиш ва ривожлантириш юзасидан раҳбарият орасидан масъул шахснинг мавжудлиги (1);
- АКТни жорий этиш ва ривожлантириш юзасидан масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлимининг ёки тегишли хизматлар аутсорсинги бўйича шартноманинг мавжудлиги (1).

Баҳолаш натижасига кўра якуний рейтинг 50% дан кам бўлган, ҳамда рейтинг кўрсаткичи кескин (10% гача) ёки тақрор (иккита кетма-кет чорак давомида) пасайиши кузатилган давлат органлари раҳбарларининг **эгаллаб турган лавозимларига муносиб эканликларини кўриб чиқиш бўйича таклифлар** АТҚРВ томонидан Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

<sup>1</sup> Республика комиссиясининг 2016 йил 23 февралдаги 7-сонли Баёни

## Илова. Электрон ҳукумат соҳасида асосий НХҲлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонуни 9.12.2015й. ЎРҚ-395-сон [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=2833860](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2833860)
2. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонуни 11.12.2003й. 562-II-сон [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=64467](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=64467)
3. ПҚ-1989-сон 27.06.2013й. «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»
4. ПФ-4702-сон 4.02.2015й. «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=2562753](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2562753)
5. ПҚ-2293-сон 4.02.2015й. «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=2564644](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2564644)
6. ВМҚ 256-сон 22.11.2005й. «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида» [http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact\\_id=925847](http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=925847)
7. ВМҚ 27-сон 20.02.2006й. «Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» [http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact\\_id=973556](http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=973556)
8. ВМҚ 378-сон 30.12.2012й. «Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=2113413](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2113413)
9. ВМҚ 18-сон 25.01.2013й. «Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни ва Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг штатдаги ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида» [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=2125753](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2125753)
10. ВМҚ 355-сон 31.12.2013й. «Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» [http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact\\_id=2315190](http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=2315190)
11. ВМҚ 120-сон 13.05.2015й. «Давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг идораларо ахборот ҳамкорлиги тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» [http://lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=2645697](http://lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=2645697)
12. ВМҚ 190-сон 15.07.2015й. «Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатдан ўтказиш марказлари фаолиятини янада тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=2704332](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2704332)
13. ВМҚ 232-сон 7.08.2015й. «Очиқ маълумотлар тақдим этилиши ҳисобга олинган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=2718599](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2718599)
14. ВМҚ 358-сон 14.12.2015й. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2412-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=2841799](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2841799)
15. ВМҚ 365-сон 17.12.2015й. «Жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=2843015](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2843015)
16. ВМҚ 184-сон 2.06.2016й. «Электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» [http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact\\_id=2974586](http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=2974586)
17. ВМҚ 188-сон 3.06.2016й. ««Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида» [http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact\\_id=2972703](http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=2972703)
18. АТҚРВ Буйруғи 141-мх-сон 27.11.2015й. «Очиқ маълумотларни шакллантириш, уларни жойлаштириш ва қайта ишлаш регламентини тасдиқлаш тўғрисида». Адлия Вазирлиги томонидан 28.12.2015й. 2746-сон б-н рўйхатга олинган [http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact\\_id=2849050](http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=2849050)

**Электрон ҳукумат бўйича эслатма:  
Ўзбекистон Республикасида электрон ҳукуматни  
ривожлантириш бўйича давлат органларининг  
асосий вазифалари**

Мухаррир: **Д.Таирова**  
Компьютерда тайёрловчи: **Ж.Холикулов**

Нашриёт лицензияси AI №263 31.12.2014. Босишга рухсат берилди 15.07.2016 йил.  
Бичими: 60x90 1/16. "PT Sans" гарнитураси. Рақамли босма усулида босилди.  
Босма табағи 2,0. Буюртма №745  
Адади 100 нусха.

"Baktria press" Нашриёт уйи  
Тошкент ш., 100000, Буюк Ипак Йўли мавзеси 15-25.  
Тел./факс.: +998 (71) 233-23-84

"PRINT MEDIA" МЧЖда нашр этилди.  
Манзил: Тошкент ш., 100000, Ўзбекистон овози кўчаси, 32  
Тел.: +998 (71) 233-03-21



Мазкур эслатма давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда электрон ҳукуматни яратиш ва давлат бошқаруви тизимида АКТни жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этишда услубий кўмак кўрсатишга мўлжалланган.

Эслатмада ахборотлаштириш соҳасида амалдаги асосий НХҚ талаблари юзасидан тушунчалар берилган. Жумладан, қуйидаги мавзулар ёритилган: электрон ҳукуматнинг асосий тушунчалари, тамойиллари ва архитектураси, ушбу соҳадаги давлат бошқаруви тизими, давлат хизматларини электрон шаклга ўзгартириш ва тартибларини такомиллаштириш, ЭҲ инфратузилмаси асосий компонентлари, давлат ахборот ресурслари ва тизимларини яратиш ва молиялаштириш, очиқ маълумотлар, электрон имзо, «ягона дарча» марказлари, АКТни жорий этиш ҳолатини ҳар чорақда баҳоланиш тартиби.

ISBN 978-9943-4569-9-0



9 789943 456990